

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

Кафедра: Давлат ва ҳуқуқ назарияси

КУРС ИШИ

МАВЗУ: Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият

Бажарди: Раҳматуллаев Ф.П. “I ҳуқуқ”
факультети 1-курс “А” поток
1-гуруҳ талабаси.

Илмий раҳбар: ю.ф.н., доц. Нажимов М.К.

ТОШКЕНТ – 2011

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
I боб. Ҳуқуқий онг	
1.1. Ҳуқуқий онг: тушунчаси, тузилиши ва таркибий қисмлари.	6
1.2. Ҳуқуқий тартибга солиш механизмида ҳуқуқий онгнинг ўрни.....	16
II боб. Ҳуқуқий маданият	
2.1. Ҳуқуқий маданият тушунчаси, тузилиши ва даражалари.....	20
2.2. Ҳуқуқий маданиятни ривожлантиришнинг назарий-амалий аҳамияти....	26
2.3. Ўзбекистонда фуқаролар ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш масалалари.....	32
Хулоса.....	41
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	45

КИРИШ

Республикамизда амалга оширилаётган сиёсий ва ҳуқуқий ислохотлар ижтимоий-иқтисодий муносабатларни модернизациялаш, замон талаблари ва эҳтиёжларига жавоб берувчи янги типдаги ҳуқуқ тизимини шакллантиришга йўналтирилган. Айнан шу боис аҳоли ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш вазифаси давлатимиз ва жамоатчиликнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлайди.

Фуқаролар ҳуқуқий маданиятини юксалтириш маънавияти юксак, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришга қодир шахсларнинг етишига олиб келади. Ўзбекистон Республикасида демократик фуқаролик жамиятини шакллантириш омилларидан бири аҳоли ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишдир. Айни чоғда бугунги замоннинг ўзи одамларимизни мамлакатимизни замонавийлаштиришда, демократик қадриятларнинг қарор топишида, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий соҳаларни бошқариб, эркин, фаровон ва юксак маданиятли жамиятни барпо этишда катта катта ғоялар сари ундамоқда. Шу ўринда Президент И.А.Каримовнинг қуйидаги фикрларини эслаш жоиз: «...биз ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндашадиган, айни замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялаш вазифаси истиқлол йилларида биз учун ҳал қилувчи масалага айланди»¹.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси томонидан 1997 йилда қабул қилинган «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури» тадқиқотчиларнинг ҳуқуқий маданиятни ўрганишга бўлган қизиқишини янада орттирди. Ҳатто уни махсус фан даражасида ўрганишга қаратилган ўқув қўлланмалар ҳам пайдо бўлди. Бироқ ҳуқуқий онг ва

¹. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. - Т.: Маънавият, 2008, -Б. 77.

маъданиятни илмий-методологик, гносеологик, онтологик ва бошқа хусусиятларини ўрганиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Курс ишимнинг мақсади, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият ўзинималигини назарий жиҳатдан, шунингдек, мамлакатимизда аҳоли ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун қандай ишлар амалга оширилса маҳсадга мувофиқлигини амалий жиҳатдан, шунингдек, аҳоли ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш орқали уларни фуқаролик жамияти қуришнинг фаол субъектларига айлантириш йўллари аниқлашдан иборат.

Курс ишимнинг мақсадидан келиб чиқиб, қуйидаги устувор юналишларда изладим ва маълум маънода ўргандим.

- давлат ва ҳуқуқ назариясида муҳим аҳамиятга эга бўлган, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият тушунчасини аниқлаш.

- ҳуқуқий онг таркибий тузилиши, унинг даражасини таҳлил этиш.

- фуқаролик жамияти шаклланишига ҳуқуқий маданиятнинг таъсирини таҳлил қилиш;

- ҳуқуқий маданиятни оширишда ҳуқуқий тарбиянинг имкониятларини ўрганиш;

- ҳуқуқий мафкура ва ҳуқуқий эътиқоднинг аҳоли ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигига таъсирини таҳлил қилиш;

- аҳоли ҳуқуқий маданиятини оширишда ҳуқуқий тарбиянинг ўрнини аниқлаш.

- ҳуқуқий маданият тушунчаси, тузилиши ва даражаларини тадқиқ қилиш.

Курс ишимнинг аҳамияти шундаки, ҳуқуқий маданиятнинг илмий-методологик масалаларига оид хулосалардан ҳуқуқий маданият назариясига оид тарғиботлар олиб боришда, илмий асослатирилган далиллардан фойдаланганлигим боис, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни тушунчаси, таркибий тузилиши даражаларини аниқлашда фойдаланиш мумкин.

Курс ишининг назарий-методологик асоси бўлиб, давлат ва унинг пайдо бўлиши, моҳияти, бошқаруви билан боғлиқ яратилган илғор илмий

таълимотлар, қарашлар, ғоялар, ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш концепцияси, шунингдек Президентимиз И.А.Каримовнинг шу мавзуга оид фикр-мулоҳазалари ва бошқалар хизмат қилади.

Курс ишининг асосий манбалари бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва қонуности ҳужжатлари тизимидан иборат норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда илмий адабиётлар ҳисобланади.

Бугунги кунга келиб мамлакатимизда ўтказилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари, қонунчиликдаги янгиланишлар барчаси давлатимизни янгилаш ҳамда демократлаштиришга қаратилган. Президентимиз томонидан олиб борилаётган, ҳамда ҳозирги кунга келиб ўз самарасини бераётган, бозор иқтисодиётининг самарали механизми ишлаб турибди. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида, давлат бош ислохотчилик роли тобора ўз самарасини бериб бормоқда. Бугунги кунда жаҳонда кўзатилаётган ва Ўзбекистонга ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмаётган молиявий-иқтисодий инқироз давлатимиз томонидан ўрнатилган мустаҳкам иқтисодий-ҳуқуқий асослар ҳамда Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган, 2009-2012 йилларга мўлжалланган режавий дастур асосида кўрилаётган чора-тадбирлар туфайли иқтисодиётимизнинг бир маромда қолишини таъминламоқда.

Курс ишининг тизими кириш, 2 боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I боб. Ҳуқуқий онг

1.1. Ҳуқуқий онг: тушунчаси, тузилиши ва таркибий қисмлари

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди, шу туфайли ҳозирги шароитда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятга бўлган талаб тобора ортмоқда.

Ҳуқуқий онг, билим ва маданиятга эга бўлиш жинси, тили, ёши, ирқи, миллий мансублиги, эътиқоди, келиб чиқиши, хизмат тури, ижтимоий мавқеидан қатъий назар, ҳар бир Ўзбекистон фуқароси учун ғоят катта аҳамиятга эга. «Ҳар бир фуқаро, ҳар бир инсон ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши билиши ва уни ҳимоя қила олиши зарур. *Одамларни ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий билимлар билан қуроллантириш асосий вазифалардан* бири бўлиши шарт. Токи, жамиятнинг ҳар қайси аъзоси ўз ҳуқуқи, ўз бурчи ва масъулиятини пухта билмас экан, уни ҳаётий эҳтиёж сифатида англамас экан, бизнинг ислоҳот, янгиланиш ҳақидаги барча сўзларимиз, саъй-ҳаракатларимиз бесамар кетаверади»¹.

Бинобарин, ҳуқуқий онг ижтимоий онг шакли сифатида намоён бўлади. Зеро, авваламбор, «Одамнинг ижтимоий ҳаётни тушуниши, сезиши, унга муносабати унинг онгида юз беради. Сиёсий онг, ижтимоий онг иборалари ана шундан келиб чиққандир. Воқеликнинг киши миёсида унинг бутун руҳий фаолиятини ўз ичига олган ва албатта, маълум мақсадга йўналган ҳолда акс этиши онгнинг зуҳуридир. Онг, шунингдек, кишининг руҳий, сиёсий, фалсафий нуқтаи назарлари, диний, бадиий қарашларининг ҳам мажмуи ҳисобланади. Ижтимоий онг деганда ана шулар назарда тутилади»².

Ягона ижтимоий онг шаклларида бири сифатида майдонга чиқаркан, ҳуқуқий онг нисбатан мустақил бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг барча хилма-хил ҳуқуқий ҳодисаларини, яъни ҳуқуқий тизим, ҳуқуқий тартибга солиш, ҳуқуқ-тартибот ва ҳоказоларни акс эттиради.

¹ Каримов И.А. Адолат, Ватан ва халқ манфаати ҳар нарсадан улуг. Т., «Ўзбекистон», 1998, 59-бет.

² Иброҳимов А., Султонов Ҳ., Жўраев Н. Ватан туйғуси. Т., «Ўзбекистон», 1996, 30-31-бетлар.

Ҳуқуқий онгни мамлакат фуқароларининг ҳам амалдаги ҳуқуққа, юридик амалиётга, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари мажбуриятларига, ҳам орзу қилинган ҳуқуққа ва бошқа ҳуқуқий ҳодисаларга муносабатини ифодаловчи ҳуқуқий сезгилар, ғоялар, баҳолар, тасаввурлар тизими сифатида таърифлаш мумкин.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, ҳуқуқий онгсиз ҳуқуқий ижодкорликни ҳам, ҳуқуқнинг ўзини ҳам тасаввур этиб бўлмайди. Албатта, бу фикрдан ҳуқуқий онг ҳуқуқни яратади деган маъно келиб чиқмайди. Ҳуқуқ ҳуқуқий онг томонидан эмас, балки ҳаётдаги муайян иқтисодий шарт-шароитлар негизида яратилади. Ҳуқуқий онг эса бу жараёнда фақат воситачи, янги ғоялар асоси вазифасини бажаради.

Шунинг учун ҳам **ҳуқуқий онг** – бирмунча мустақил ҳодиса бўлиб, уни ҳуқуқ назариясининг алоҳида объекти сифатида ўрганиш керак бўлади. Айнан ҳуқуқий онг орқали ҳуқуқ назарияси ҳуқуқнинг моҳияти, унинг келиб чиқиши, муайян цивилизация доирасида ҳуқуқий жихатдан тартибга солишнинг ўзига хос хусусияти, ҳуқуқий хулқ-атворнинг бўзилиши, жиноятчилик ва бошқа ижтимоий хавфли иллатларнинг манбалари ва сабаблари каби оламшумул муаммоларни ўрганади, таҳлилу тадқиқ этади.

Яна шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ҳуқуқий онг ҳар бир халқнинг маданияти, ҳаёт тарзининг таркибий қисми сифатида ҳуқуқнинг маънавий моҳиятини энг тўла ва ҳар томонлама акс эттиради. Зеро, цивилизациянинг турли кўринишларида, хилма-хил маданий-тарихий ҳамжамиятларда хулқ-атвор нормалари, зарурат ҳақида, у ёки бу вазиятларни тартибга солиш усуллари ва бошқалар тўғрисида хилма-хил, кўпинча ўзаро жиддий фарқланувчи тасаввурлар мавжуд бўлади.

Бу ўринда гап ижтимоий тартибга солишнинг этник-ҳуқуқий қонуниятлари ҳақида бормоқда. Ушбу қонуниятларни фақат ҳуқуқий онгга ўз ривожининг муайян ички мантиғига эга бўлган фавқулодда ҳодиса сифатида қараш орқалигина очиб бериш мумкин. Бу мантиқ давлат ҳокимиятининг буйруқлари ва иқтисодий қарорлар билан эмас, балки энг аввало, **маданият**

томонидан тўпланган ҳалқаро ва миллий ҳуқуқнинг маънавий, тафаккурий қуввати билан белгиланади.

Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, **ҳуқуқий онг** – бу инсон ўзини қуршаб турган ҳуқуқий олами ўрганиш, англаш қобилияти сифатида тушуниладиган онг шаклларида биридир. Моддий оламнинг предмет ва ходисаларидан фарқли ўлароқ, онг натижалари бир қатор хусусиятларидан айрилган ўзига хос ажиб кўринишдаги тафаккур ифодаси саналади. Билимлар ўзига хос шаклларда: **сезги, тасаввур, тушунча, категория, объектив қонуният ва назариялар тўғрисидаги мулоҳазалар** сифатида мавжуд бўлади.

Шундай қилиб, онг инсоннинг ўзини қуршаб турган олами инъикос этиш (билиш) шаклини, шунингдек, инсоннинг муайян ижтимоий ва табиий ҳодисалар, жараёнларни ўзгартириш, такомиллаштириш, янги моддий ва маънавий бойликларни яратиш бўйича ушбу дунёга нисбатан турли шаклдаги баҳолаш ва тақлифлар кўринишида муносабат билдиришини ўзида акс эттиради.

Ҳуқуқий онг ижтимоий онг турларидан бири бўлиб, тўлиқ унинг хусусиятларига эга. Ҳуқуқий онг ҳуқуқ тузилишини, унинг бошқа ижтимоий ҳодисалар билан, шу жумладан: қонунчилик ва ундаги ҳуқуқий нормалар; юридик амалиёт, яъни норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш бўйича ваколатли давлат органлари фаолияти, муайян ҳуқуқий муносабатларда ҳуқуқий нормаларни амалга ошириш бўйича давлат идоралари, фуқаролар ва бошқа шахсларнинг фаолияти, қонунни бўзишга қарши курашиш бўйича давлат ва жамият фаолияти кабилар билан турли алоқа ва муносабатларни ифода этади. Бундан ташқари, онг ҳуқуқнинг ижтимоий ҳодиса сифатида вужудга келиш ва ривожланиш тарихини, унинг тараққий этиш жараёнида босиб ўтган босқичларини гавдалантиради³.

Ҳуқуқий онгнинг социологик жиҳати икки даражага – одатий ва назарий (**ҳуқуқий руҳият ва ҳуқуқий мафкура**) даражаларга эга.

³ Бу ҳақда батафсилроқ қаранг: Социология права. М., «Юстицинформ», 2004, 80-82-бетлар.

Ҳуқуқий руҳият жамиятдаги мавжуд ҳуқуқий муҳитнинг бевосита таъсири остида вужудга келади ва ҳуқуқий онгнинг биринчи, бошланғич поғонаси ҳисобланади. Ҳуқуқий онгнинг айнан шу даражасидан ҳуқуқий реалликни англаш, у билан дастлабки танишув бошланади.

Демак, **ҳуқуқий руҳият** – ижтимоий онгнинг ҳуқуқий тартибга солиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган соҳасидир. Ҳуқуқ назарийётчилари ҳам, шунингдек, тармоқ юридик фанлари мутахассислари ҳам уни ўрганиш билан доимий шуғулланиб келадилар.

Ҳуқуқий руҳиятдан ташқари, ҳуқуқий онг таркибига **ҳуқуқий мафкура** ҳам киради. У оламни руҳий идрок этишдан фарқли ўлароқ, воқеликни илмий-назарий ифодалаш ва ўзлаштириш даражасига мос келади.

Ҳуқуқий мафкура бир сафга тизилган илмий қоидалар, ғоялар, назариялар ва таълимотлар қатори бўлиб, улар биргаликда ҳуқуқий тизимнинг ривожланиш ҳолатини акс эттиради.

Ўзбекистонда барқарор бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш концепцияси ҳуқуқий мафкурага яққол мисол бўла олади. Бундай давлат ва жамият демократия, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, инсонпарвар ва адолатли ҳуқуқ-тартибот тўғрисидаги ҳам умуминсоний, ҳам миллий тасаввурларга мос келиши керак. Мазкур ҳолатда ҳуқуқий давлат таълимоти миллий давлатчилигимизни ривожлантиришнинг мафкуравий асоси бўлиб хизмат қилади.

Шуни қайд этиш лозимки, демократик ҳамда ижтимоий-маданий, тарихий асосланган давлат-ҳуқуқий мафкурага эга бўлиш – ҳар қандай жамият фаолиятининг ҳаётий муҳим шартидир. Шу маънода бизнинг жамиятимиз ҳам бундан мустасно бўла олмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов шу муносабат билан қуйидагиларни таъкидлаганди: **«Олдимизда турган энг муҳим масала, бу – миллий истиқлол мафкурасини яратиш ва ҳаётимизда татбиқ этишдир.**

Миллий истиқлол мафкураси ҳалқимизнинг азалий анаъналарига, удумларига, тилига, дилига, руҳиятига асосланиб, келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйғуларини онггимизга сингдириши лозим»¹.

Шунинг учун Ўзбекистоннинг янги, демократик давлат-ҳуқуқий мафкурасига бўлган ижтимоий эҳтиёж ортиб бормокда. Бу мафкуранинг диктаторликка, уни давлат мафкураси сифатида ягона тўғри мафкура деб эътироф этишни талаб қилишга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Ижтимоий онгда бундай мафкурани тиклашнинг тамойиллари ва омиллари ўтмиш тажрибасидан тубдан фарқ қилиши керак. Бунда муаммонинг моҳияти мафкура билан яшаш керакми ёки йўқми, деган масалада эмас. Зеро, ҳар қандай ҳолатда ҳам қандайдир мафкура бўлади. Ҳамма гап, авваламбор, Ўзбекистон учун, унинг моҳияти, руҳи, тараққиёт истиқболлари учун қайси мафкура энг кўп даражада маъқуллигидадир.

Айни пайтда шуни ҳам унутмаслик лозимки, тегишли мафкуранинг шаклланиши ҳуқуқий давлат ривожланишининг муҳим аҳамиятга эга омилидир. Зотан, алал-оқибат ҳуқуқий давлат мафкураси одамлар онгги орқали муқобил ҳуқуқий маданиятни шакллантириб, ҳуқуқий давлат назариясини ривожлантиради, умуман эса кишилар руҳиятида тегишли тамойиллар қарор топиши учун интеллектуал муҳит яратади. Шундай қилиб, ҳуқуқий давлат мафкураси сиёсий-ҳуқуқий жараённинг барча иштирокчиларининг умумий саъй-ҳаракатлари орқали шакллантирилади. Унинг назарий тарғибот қисми ижтимоий фанлар соҳалари олимлари ва сиёсатшунослар томонидан, ҳуқуқий асослари қонуншунослар ва нормаларни ишлаб чиқишнинг бошқа субъектлари томонидан шакллантирилади⁴.

Шундай қилиб, ***жамиyat ҳуқуқий онгининг конструктив қисмлари сифатида ҳуқуқий руҳият ва ҳуқуқий мафкуранинг ҳар бири ўз***

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том Т., «Ўзбекистон», 1996, 203-бет.

⁴ Қаранг: Худоев Б. Ҳуқуқий мафкура – давлатимиз таянчи. «Халқ сўзи», 1998 йил 4 август.

воситалари билан ҳуқуқий тартибга солишга ва умуман жамият ҳуқуқий маданиятида ҳуқуқий онг функциясини амалга оширишга хизмат қилади.

Ҳуқуқий онг мураккаб ижтимоий ҳодисадир. Субъектлар нуктаи назаридан ҳуқуқий онг, одатда, *индивидуал, гуруҳий ва жамоавий (оммавий)*, онгга бўлинади. Шу ўринда ҳуқуқий онгнинг индивидуал ва ижтимоий шакллари кенг тарқалганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Индивидуал ҳуқуқий онг – бу ҳар бир шахс, алоҳида инсонга хос ҳуқуқий билимлар, баҳолар, ҳиссиётлар ва туйғулар мажмуи ҳисобланади. Индивидуал ҳуқуқий онг доимо ноёб ва бетакрордир. Ҳар бир инсон турли билиш қобилиятлари, шахсиятнинг турли психологик турлари оқибатида амалдаги ҳуқуқни ўзича қабул қилади, уни баҳолайди, қонуний ёки қонунга зид равишда ҳатти-ҳаракат қилиш истагини билдиради. Ҳатто бир хил шароитда ўқийдиган юридик олий ўқув юртлари талабалари турли ҳуқуқий онгга эга. Масалан, баъзи талабалар чуқур билимга эга бўлса, бошқалари ўртача билимли бўлади, айрим талабалар жамиятда амал қилаётган ҳуқуқ-тартиботни қўллаб-қувватласа, бошқалари бетараф ёки тескари муносабатда бўлади, учинчилари эса танқид остига олади ва ҳоказо.

Индивидуал ҳуқуқий онг фуқаролар томонидан юридик аҳамиятга молик ҳатти-ҳаракатлар содир этилганда, ҳуқуқ ва эркинликлар амалга оширилганда, қонуний манфаатлар ҳимоя қилинганда, турли кўринишдаги ҳуқуқий ҳужжатлар тайёрлашида яққол намоён бўлади.

Касб-кори ҳуқуқшунос бўлганларнинг ҳуқуқий онгги қарор лойиҳалари, буйруқ, ҳукм, ажрим каби ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрланганда рўёбга чиқади. Олим-ҳуқуқшуносларнинг индивидуал ҳуқуқий онгларини рўёбга чиқариш шакли монография ва рисоалар, мақола ва диссертация ишлари, ҳисоботлар саналади.

Ижтимоий ҳуқуқий онг – бу жамият ёки унинг алоҳида ижтимоий табақалари, синфлари томонидан илгари суриладиган ҳуқуқий тасаввурлар, тамойиллар, тушунчалар, назариялар, ҳиссиётлар йиғиндисидир. Ҳозирги жамиятнинг асосий ҳуқуқий тамойиллари сирасига мавжуд имкониятлардан

фойдаланган ҳолда инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, иқтисодий сиёсий, адабий, илмий ва бошқа ижодий фаолиятнинг тенг ҳуқуқлилиги, инсонпарварлиги, эркинлиги, қонун устуворлигини тан олиш кабиларни киритиш мумкин.

Одатий ҳуқуқий онг бевосита одамларнинг ҳаётий шарт-шароитлари, уларнинг ҳаётий тажрибалари асосида шаклланади. Унда руҳий элементлар – ҳиссиётлар, эҳтирослар катта роль ўйнайди.

Профessional ҳуқуқий онг – профессионал ҳуқуқшунослар, яъни махсус маълумот ва тайёргарликнинг амалий тажрибаси талаб қилинадиган касб эгалари ҳуқуқий онггидир. Ҳуқуқшунослар учун ҳуқуқий тайёргарлик катта аҳамиятга эга. Бу тайёргарлик, албатта, ҳатто қонунга сўзсиз итоат этувчи фуқаролар даражасидан анча юқори бўлиши, ҳуқуқ тамойиллари ва нормалари бўйича билимларининг қўлами, теранлиги, расмийлаштирилган моҳияти билан ажралиб туриши, энг муҳими эса – улар ҳақиқатан ҳам шу билим ва кўникмаларини амалиётда қўллай олиш қобилиятига эга бўлишлари лозим.

«Юридик маълумот бу ерда жуда муҳим аҳамиятга эга бўлишига қарамай, профессионал-юридик фаолиятга бўйсунувчи белги сифатида амал қилади. Юқорида айтилганларни ҳисобга олган ҳолда, профессионал ҳуқуқшунослар онгги сиёсий, ҳуқуқий қарашлар, билимлар, ҳис-туйғулар, қадриятлар ва ҳуқуқий онгнинг бошқа таркибий қисмларини ташкил қилувчи тизимлари сифатида намоён бўлади»⁵.

Илмий ҳуқуқий онг – ҳуқуқни тизимга солиб, назарий ўзлаштиришда ифодаланувчи ғоялар, концепциялар, қарашлардан иборат. Ҳозирги жамиятда ҳуқуқ, қонун ҳужжатлари, сиёсий-конституциявий муносабатларни ривожлантириш йўллари бeлгилашда илмий ҳуқуқий онгга кенг устуворликлар берилган. Юридик йўналишдаги илмий тадқиқот институтлари ҳам умумфуқаровий, ҳам идоравий олий ўқув юртлари

⁵ Соколов Н.Я. Профессиональное сознание юристов. М., «Наука», 1988, 16-бет.

тизимида фаолият кўрсатувчи ҳуқуқшунос олимлар ушбу ҳуқуқий онгнинг яратувчилари ва соҳибларидир, десак, асло муболаға қилмаган бўламиз.

Умуман олганда, **ҳуқуқий онг** одамларнинг амалдаги ҳуқуқ ва бошқа ҳуқуқий ҳодисаларга муносабатларини ифодаловчи қарашлари, ғоялари, тасаввурлари, ҳис-туйғулари йиғиндиси сифатида намоён бўлади. Эндиликда ҳаммада – бутун жамиятда, барча фуқароларда зарур ҳуқуқий онгни кўнгилдагидек шакллантириш муҳим вазифа ҳисобланади. Бироқ халқ орасида саводсизлар бўлганда ёки ҳуқуқ тушунарсиз тилда ёзилганда, қонунлар матни халққа бориб етмаганда ёки ҳуқуқнинг мазмуни ўта мураккаб, чалкаш ва мужмал ифодаланганда халқ ўз ҳуқуқларини билиш имкониятидан бебаҳра қолиши, ҳаёт тарзи эса хатарли тус олиши мумкин. Чунки ҳуқуқ – ҳар бир онг-шуурли инсонга дахлдор ҳодиса. Шу боис ҳуқуқ билимга, зеҳнга ва ўзини ўзи идора қилишга бўлган қобилият ва салоҳиятга таянади. Айниқса, ривожланган ҳуқуқий онгда ҳуқуқнинг объектив мазмунини аниқлаш ва тушунишга бўлган комил ишонч янада ортади⁶.

Ҳуқуқий онг мураккаб ижтимоий ҳодисадир. Субъектлар нуқтаи назаридан ҳуқуқий онг, одатда, **индивидуал, гуруҳий ва жамоавий (оммавий)**, онгга бўлинади. Шу ўринда ҳуқуқий онгнинг индивидуал ва ижтимоий шакллари кенг тарқалганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Индивидуал ҳуқуқий онг – бу ҳар бир шахс, алоҳида инсонга хос ҳуқуқий билимлар, баҳолар, ҳиссиётлар ва туйғулар мажмуи ҳисобланади. Индивидуал ҳуқуқий онг доимо ноёб ва бетакрордир.

Ижтимоий ҳуқуқий онг – бу жамият ёки унинг алоҳида ижтимоий табақалари, синфлари томонидан илгари суриладиган ҳуқуқий тасаввурлар, тамойиллар, тушунчалар, назариялар, ҳиссиётлар йиғиндисидир. Ҳозирги жамиятнинг асосий ҳуқуқий тамойиллари сирасига мавжуд имкониятлардан фойдаланган ҳолда инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, иқтисодий сиёсий, адабий, илмий ва бошқа ижодий фаолиятнинг тенг

⁶ Бу ҳақда батафсилроқ қаранг: Теория права и государства. М., «Зерцало», 2003, 168-170-бетлар.

ҳуқуқлилиги, инсонпарварлиги, эркинлиги, қонун устуворлигини тан олиш кабиларни киритиш мумкин.

Агар ҳуқуқий онг савияси нуқтаи назаридан олиб қарайдиган бўлсак, у ҳолда бу жиҳатга кўра **одатий, илмий ва профессионал (касбий-малакавий)** ҳуқуқий онг турларига бўлинади.

Одатий ҳуқуқий онг бевосита одамларнинг ҳаётий шарт-шароитлари, уларнинг ҳаётий тажрибалари асосида шаклланади. Унда руҳий элементлар – ҳиссиётлар, эҳтирослар катта роль ўйнайди.

Профессионал ҳуқуқий онг – профессионал ҳуқуқшунослар, яъни махсус маълумот ва тайёргарликнинг амалий тажрибаси талаб қилинадиган касб эгалари ҳуқуқий онггидир. Ҳуқуқшунослар учун ҳуқуқий тайёргарлик катта аҳамиятга эга. Бу тайёргарлик, албатта, ҳатто қонунга сўзсиз итоат этувчи фуқаролар даражасидан анча юқори бўлиши, ҳуқуқ тамойиллари ва нормалари бўйича билимларининг кўлами, теранлиги, расмийлаштирилган моҳияти билан ажралиб туриши, энг муҳими эса – улар ҳақиқатан ҳам шу билим ва кўникмаларини амалиётда қўллай олиш қобилиятига эга бўлишлари лозим.

Илмий ҳуқуқий онг – ҳуқуқни тизимга солиб, назарий ўзлаштиришда ифодаланувчи ғоялар, концепциялар, қарашлардан иборат. Ҳозирги жамиятда ҳуқуқ, қонун ҳужжатлари, сиёсий-конституциявий муносабатларни ривожлантириш йўлларини белгилашда илмий ҳуқуқий онгга кенг устуворликлар берилган. Юридик йўналишдаги илмий тадқиқот институтлари ҳам умумфуқаровий, ҳам идоравий олий ўқув юртлари тизимида фаолият кўрсатувчи ҳуқуқшунос олимлар ушбу ҳуқуқий онгнинг яратувчилари ва соҳибларидир, десак, асло муболаға қилмаган бўламиз.

Ҳуқуқий маданият. Ҳозирги замон ҳуқуқий онги инқирози кўп жиҳатдан ҳуқуқий маданият савияси билан белгиланади. Маънавий-ахлоқий ва ҳуқуқий қадриятлар тизими сифатида ҳуқуқий маданият ҳуқуқий ҳолат ривожининг эришилган даражасида, норматив ҳуқуқий ҳужжатларда, ҳуқуқий онгда ўз ифодасини топади.

Ҳуқуқий маданият мураккаб, серқирра ходиса бўлиб, у, биринчи навбатда:

А. ҳуқуқий онгнинг муайян даражаси, яъни ҳуқуқий воқеликни онгли равишда тушуниб, ўзлаштиришни;

В. умумий маданий асослар, юксак маданийлик даражаси, миллий негизлар ва манбалар, тарихий хотира, урф-одатлар ва анъаналарни;

С. аҳоли томонидан қонунларни билишнинг тегишли даражаси, ҳуқуқ нормаларига ҳурматнинг юқори даражасини, улар нуфўзини;

Д. ҳуқуқий фаолият, ҳуқуқий ижодкорлик, ҳуқуқни муҳофаза этиш, бошқарув ва бошқа органлар ишининг самарали усулларини;

Е. фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг қонунга итоаткорлигини талаб этади.

1.2. Ҳуқуқий тартибга солиш механизмида ҳуқуқий онгнинг ўрни

Мамлакатимизда ижтимоий ҳаётни демократиялаш ва ҳуқуқий давлатни барпо этиш йўли танланганлиги фуқароларнинг юридик жиҳатдан эътиборга молик ҳуқ-атворини ижтимоий тартибга солиш воситаси сифатида ҳуқуқий онгдан фойдаланишнинг аҳамиятини янада оширди. Мазкур ҳуқуқий онгни тартибга солишда, бу жараённинг ролини яхшироқ тушуниб олишда қуйидаги жиҳатлар алоҳида ўрин тутди:

1. Ҳуқуқий онг юридик аҳамиятга молик хатти-ҳаракатлар мақсадини тушунишда фуқарога шунчаки кўмаклашибгина қолмай, балки вазиятни ҳар томонлама идрок этишда унга ёрдам ҳам беради. Айнан шу ерда онгнинг ҳуқуқий ва ноҳуқуқий (ҳуқуққа зид) онгга бўлиниши рўй беради. Ўзининг тартибга солиш имкониятларига кўра ҳуқуқий онг билан фақат ахлоқий онггина рақобатлаша олади.

2. Ҳуқуқий онг юридик аҳамиятга молик хатти-ҳаракатлар мақсадларига эришишнинг мумкин бўлган воситалари мажмуини белгилаш ҳамда аниқ воситаларни танлашда инсонга ёрдам беради.

3. Фуқаро ҳуқуқий онгги ҳуқуқий аҳамиятга молик хатти-ҳаракатлар мақсадларига эришиш учун танланган стратегиянинг ижтимоий самарадорлигини тўғри баҳолашда унга кўмаклашади.

Шунингдек, *ижобий ҳуқуқий мақсад*, яъни жамият ҳуқуқий маданияти қадриятларига йўналтирилганлик ҳам ҳуқуқий фаолликнинг муҳим ички манбаи бўлиб хизмат қилади. Шуни алоҳида эътироф этиш керакки, агар ҳар бир одамда ижобий ижтимоий-ҳуқуқий мақсад шаклланган бўлса, ҳуқуқий онг яққол кўзга ташланиб туради, дейиш мумкин. Акс ҳолда, яъни бундай мақсад бўлмаган ҳолатда унинг ўрнини *салбий ижтимоий-ҳуқуқий мақсад* эгаллайди. Шу муносабат билан ижтимоий-ҳуқуқий мақсаддаги ҳуқуқий онгнинг *ҳуқуққа ҳурмат* билан қарашдек жиҳатига тўғридан-тўғри боғлиқлигини қайд этмаслик мумкин эмас. Умуман, ҳуқуққа ҳурматни тўла асос билан ижобий ижтимоий-ҳуқуқий мақсад сифатида тан олиш мумкин.

Шу муносабат билан **ҳуқуқий онг шаклининг бўзилиши** каби муаммога тўхталмай иложимиз йўқ. Чунки бундай бўзилиш нисбатан юмшоқ кўринишда ёки аксинча, ғоят хунук ва хавфли тусда намоён бўлиши мумкин. Бинобарин, ҳуқуқий онг деформацияси (бўзилиши)нинг кенг тарқалган қуйидаги турлари ҳам шундан далолат беради.

Ҳуқуқий инфантилизм – ҳуқуқий онг бўзилишининг нисбатан енгил шакли бўлиб, у ҳуқуқий билимнинг етишмаслиги ҳамда ҳуқуққа йўналганликнинг шаклланмаганлигида яққол намоён бўлади.

Ҳуқуқий нигилизм. Нигилизм (нигилизм, яъни лотинча «nihil» сўзидан олинган бўлиб, «ҳеч нарса» деган маънони англатади) умуман субъектлар (гуруҳлар, синфлар)нинг муайян қадриятларга, нормалар, қарашлар, орзу-интилишларга, инсон ҳаётининг айрим, кўпинча эса барча томонларига салбий муносабатини ифодалайди.

Бунда ҳуқуқни шунчаки билмасликнинг ўзи ҳам муҳим ўрин тутди. Ўз вақтида Иван Ильин шундай ёзганди: «Ўз мамлакати қонунларини билмайдиган халқ ҳуқуқдан ташқарида ҳаёт кечиради ёки ҳуқуқнинг беқарор кўртаклари билангина кифояланади... Халқ қонунларни муносиб равишда билиши зарур, чунки бу хусусият ҳуқуқий ҳаёт таркибига киради. Шунинг учун ҳам халқ ҳуқуқни билишдан маҳрум бўлган тартиб бемаъни ва хавфлидир... Маънавий мавжудот сифатида инсон Ер юзида ҳуқуқдан ташқарида яшаши мумкин эмас»⁷.

Биринчи талаб – ҳар бир мутасадди раҳбарнинг ўз ишига бўлган масъулиятини тубдан ўзгартириш, шахсий жавобгарликни ошириш. Бизда баъзи вазирлар борки, йил давомида бирон нарсани сўрамасангиз, ўзича ҳеч қандай таклиф ва ташаббус билан чиқмайди. Уларнинг ҳаёлида бир гап: ҳеч ким менга тегмаса бас, тинчгина куним ўтса бўлди. Бу энг номаъқул, керак бўлса, энг зарарли ёндашувдир.

Иккинчи масала – ҳукумат аъзоси сифатида сизларга катта ишонч, катта вазифа юклатилган. Лекин шу ишонч, шу вазифага муносиб бўлиш

⁷ Ильин И.А. О сущности правосознания. М., 1993, 23-24-бетлар.

учун ҳар қайсингиз тегишли билим ва тажриба, юқори малакага эга бўлишингиз шарт. Рус тилида буни «компетентность» дейди. Яъни, ўз соҳасида компетентли бўлиш – бу замон талаби. Ўзбекча айтганда, ўз ишининг устаси бўлиш, ўз соҳасининг сирларини ҳар томонлама чуқур билиш керак.

Биз ҳар бир раҳбарнинг фаолиятига мана шу икки талабга қай даражада жавоб беришига қараб баҳо берамиз ва хулоса чиқарамиз. Мен бу икки талабдан биринчисига, яъни масъулият масаласига кўпроқ эътибор бераман. Майли, раҳбарнинг билими етишмасин, уни ўрганса бўлади. Лекин у масъулият ва жавобгарликни унутса, ишда ҳеч қандай силжиш ва ўзгариш бўлмайди»⁸.

Нигилизм субъектнинг ўз ижтимоий-ҳуқуқий ҳолатидан қониқмаслиги, уни ўз имкониятларига мос деб билмаслиги натижасида ҳам юзага келади.

Айни пайтда тергов, прокуратура ва суд амалиётидаги камчиликлар ҳам ҳуқуқий нигилизмга, ҳуқуқий онгнинг бўзилишига сабаб бўлиши мумкин. Донишмандларнинг қайд этишларича, миллатни маънавий жиҳатдан бўзишнинг икки усули бор: а) айбсизларни жазолаш ва б) айбдорларни жазоламаслик. Жамиятда юксак ҳуқуқий маданиятни, қонунийлик ва адолатлилик туйғусини шакллантириш бундай нуқсонларни бартараф этиш йўлларидадир.

Ҳар қалай, ҳуқуқий нигилизм қонун талабларини онгли равишда инкор этишдан иборат бўлса-да, у жинояткорона мақсад билан амалга оширилмайди. Ёвўз мақсаднинг мавжудлиги ҳуқуқий онгнинг бутунлай *бўзилган, энг оғир шакли*ни келтириб чиқаради.

Бўзилган онг – айниган, нуқсонли ҳуқуқий онгнинг энг кескин даражасидир. У кўп жиҳатдан нигилизмга ўхшаб кетади. Чунки ҳар иккала ҳолатда ҳам ҳуқуқ назар-писанд қилинмайди, инкор этилади. Шунга қарамай, бўзилган онг ҳуқуқий нигилизмдан нафақат ижтимоий хавфлилик даражаси

⁸ Каримов И.А. Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндашувлар билан куриб бўлмайди // Ўзбекистон демократик тараққиёнинг янги босқичида. Т., «Ўзбекистон», 2005, 69-70-бетлар.

билан, балки важ-сабаблари жиҳатидан ҳам фарқ қилади. Бўзилган онг фақат конунни онгли равишда инкор этибгина қолмай, бу қусурни у ғаразгўйлик, шафқатсизлик, очкўзлик каби мақсадлардан келиб чиқиб амалга оширади. Бўзилган онг намоён бўлишининг асосий шакли ҳар қандай давлат ҳаётининг ўтиш даври учун айниқса хос бўлган жиноятчилик ва коррупция ҳолатлари билан бевосита боғлиқдир. Маълумки, ҳар бир давлат тарихида жамият бир ҳолатдан бошқасига ўтиш палласи, афсуски, коррупция ва жиноятчилик каби жирканч ҳодиса билан бирга кечади. Айниқса, коррупция, авваламбор, уюшган жиноий гуруҳларга ёрдам бериш учун давлат хизматида фойдаланишга интилади. Бунинг оқибатида жамият хавфсизлиги ва барқарорлигига очикдан-очик таҳдид юзага келади.

Ҳуқуқий идеализм. Агар ҳуқуқий нигилизм ҳуқуқни назар-писанд қилмаслик ёки уни инкор этиш ҳисобланса, ҳуқуқий идеализм ҳуқуқни ҳаддан ташқари юксак баҳолаш, идеаллаштиришни англатади. Иккала ҳодиса ҳам ҳуқуқий саводсизлик, ҳуқуқий онг яхши ривожланмаганлиги, сиёсий-ҳуқуқий маданият пастлигининг натижасидир. Гарчи ҳуқуқий идеализм ҳуқуқий нигилизм каби кўзга яққол ташланмаса-да, бу ҳодиса давлатга, жамиятга ҳуқуқий нигилизмдан кам зарар етказмайди.

II боб. Ҳукукий маданият

2.1. Ҳукукий маданият тушунчаси, тузилиши ва даражалари

Маданиятнинг бошқа ҳар қандай кўриниши сингари ҳукукий маданият ҳам сифат мезонлари билан баҳоланади, яъни бунда **маданиятнинг юқори, ўрта ва паст даражаси** ҳақида сўз юритиш мумкин. Албатта, ҳозирги вақтда республикамизда ҳукукий маданиятнинг нафақат юқори, балки ҳатто ўртача даражаси ҳақида ҳам гапириш қийин. Лекин бизда бу масалага жуда катта эътибор ва аҳамият бериб келинмоқда.

Ҳар бир фуқаро шахсига нисбатан олганда, ҳукукий маданият – **бу ҳуқуқни билиш ва тушуниш, унинг кўрсатмаларини онгли равишда бажаришдир.**

Профессional ҳуқуқий маданият – бу қонунлар ва қонун кучидаги ҳужжатларни, шунингдек, ҳуқуқ манбаларини чуқур, кенг қўламли ва расмийлаштирилган даражада билиш, ҳуқуқ принциплари ва ҳуқуқий тартибга солиш вазифаларини тўғри тушуниш, ҳуқуқий кўрсатмалар, қонунийлик тамойилларига қатъий ва аниқ риоя этган ҳолда ҳуқуққа ва уни қўллаш амалиётига профессионал муносабатда бўлиш, яъни ҳуқуқни юксак даражада эгаллашдир.

Миллий ҳуқуқий маданият – юридик таърифларнинг бетакрор уйғунлиги, маъноси, шаклини яратувчи бошланғич асосдир. Зеро, ҳуқуқ ижодкорлиги, энг аввало, ҳар бир муаллифнинг ички дунёси билан бевосита боғлиқ индивидуал жараёндир. **Ҳуқуқ** – ҳуқуқий қадриятлар яратувчиси бўлган ҳалқ маънавий ижодининг маҳсули. Чунки айнан шу ҳаёт тарзи, шу цивилизациянинг кундалиқ амалиёти ҳуқ-атвори тартибга солиш, хилма-хил ҳаёт зиддиятларини ҳал этишнинг тегишли нормаларини дунёга келтиради. Ҳуқуқий қадриятларни яратиш бўйича ҳуқуқ ижодкорлигининг индивидуаллиги ва ноёблиги айнан шундаки, ҳуқуқий-маданий жараёнлар муайян давлатчилик, миллий ҳуқуқ-тартибот, аниқ тарихий давр ва ўзига хос ҳуқуқий онг ҳамда шу ҳалқ менталитети доирасида кечади.

Шундай қилиб, бизнингча, ҳуқуқий маданият деганда, ҳуқуқий билим андазалари ва унинг табиатини, ҳуқуқий тизим баҳосини, шунингдек, ҳуқуқий хатти-ҳаракатлар соҳасини тартибга солувчи ижтимоий кадриятлар, нормалар, анъана ва андазалар мазмун-моҳиятини тушуниш керак.

Ҳозирги замон ҳуқуқий онгги инқироzi кўп жиҳатдан ҳуқуқий маданият савияси билан белгиланади.

Маънавий-ахлоқий ва ҳуқуқий кадриятлар тизими сифатида ҳуқуқий маданият ҳуқуқий ҳолат ривожининг эришилган даражасида, норматив ҳуқуқий ҳужжатларда, ҳуқуқий онгда ўз ифодасини топади. Уларга мувофиқ равишда қонунга итоаткор ҳаёт тарзи шаклланади ҳамда мамлакатда ҳуқуқ-тартибот режимини ўрнатувчи ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш амалга оширилади.

Шу ўринда яна бир жиҳатга эътиборни жалб этишни истардик. Ҳуқуқий маданият маданиятнинг бошқа сиёсий, ахлоқий, эстетик, диний соҳалари ва тармоқлари билан ўзаро алоқада ўз таъсирини ўтказади. Шунинг учун ҳам ҳуқуқий маданиятнинг ўзига хос мазмунида ҳам умумий маданиятга, ҳам унинг алоҳида тармоқларига доир хусусиятлар ва хоссалар, албатта, намоён бўлади. Шу ҳолат билан боғлиқ равишда барча маданиятларнинг ўзаро таъсири катта аҳамият касб этади. Ҳақиқатан ҳам демократик давлатда қонунга итоаткор хулқ-атвори таъминлаш учун бир вақтнинг ўзида буни ҳам ахлоқий, ҳам ҳуқуқий онг орқали амалга ошириш керак бўлади.

Шундай қилиб, ҳуқуқий маданият мураккаб, серқирра ҳодиса бўлиб, у, биринчи навбатда:

1. ҳуқуқий онгнинг муайян даражаси, яъни ҳуқуқий воқеликни онгли равишда тушуниб, ўзлаштиришни;
2. умумий маданий асослар, юксак маданийлик даражаси, миллий негизлар ва манбалар, тарихий хотира, урф-одатлар ва анъаналарни;

3. аҳоли томонидан қонунларни билишнинг тегишли даражаси, ҳуқуқ нормаларига ҳурматнинг юқори даражасини, улар нуфўзини;

4. ҳуқуқий фаолият, ҳуқуқий ижодкорлик, ҳуқуқни муҳофаза этиш, бошқарув ва бошқа органлар ишининг самарали усуллари;

5. фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг қонунга итоаткорлигини талаб этади.

Маданиятнинг бошқа ҳар қандай кўриниши сингари ҳуқуқий маданият ҳам сифат мезонлари билан баҳоланади, яъни бунда **маданиятнинг юқори, ўрта ва паст даражаси** ҳақида сўз юритиш мумкин. Албатта, ҳозирги вақтда республикамизда ҳуқуқий маданиятнинг нафакат юқори, балки ҳатто ўртача даражаси ҳақида ҳам гапириш қийин. Лекин бизда бу масалага жуда катта эътибор ва аҳамият бериб келинмоқда.

Ҳар бир фуқаро шахсига нисбатан олганда, ҳуқуқий маданият – **бу ҳуқуқни билиш ва тушуниш, унинг кўрсатмаларини онгли равишда бажаришдир.**

Профессионал ҳуқуқий маданият – бу қонунлар ва қонун кучидаги ҳужжатларни, шунингдек, ҳуқуқ манбаларини чуқур, кенг кўламли ва расмийлаштирилган даражада билиш, ҳуқуқ принциплари ва ҳуқуқий тартибга солиш вазифаларини тўғри тушуниш, ҳуқуқий кўрсатмалар, қонунийлик тамойилларига қатъий ва аниқ риоя этган ҳолда ҳуқуққа ва уни кўллаш амалиётига профессионал муносабатда бўлиш, яъни ҳуқуқни юксак даражада эгаллашдир. Бироқ мамлакатимиздаги *«Профессионал юристларнинг ҳуқуқий тайёргарлигидаги жиддий камчиликлар, улар томонидан кўпинча йўл қўйилаётган ҳуқуқий принциpszлик, турли ҳуқуқбузарликларга нисбатан кўнгилчанлик қилиш, ишда ва ҳуқ-атворда маданият даражасининг пастлиги, давлат, жамият ва айрим фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда қонунийликни бўзиш ҳоллари алоҳида таъвиш тугдирмоқда»⁹.*

⁹ Ҳалилов Э. Ижтимоий турмушда ҳуқуқий онгнинг ўрни. Т, «Ўзбекистон», 1997, 9-10-бетлар.

Умуман, маданият сингари мураккаб ижтимоий ҳодиса бўлган ҳуқуқий маданият бир мамлакатнинг ҳам, шунингдек, кўплаб давлатлар ва халқлар, бутун инсоният жамиятининг ҳам энг ранг-баранг юридик тажрибасини ўзаро ўзвий боғлаш қобилиятига эга. Шунинг учун ҳам ҳуқуқий маданиятда «қайта ишланган» кўринишда ҳамиша келиб чиқиши турлича бўлган, яъни миллий, байналмилал, диний, синфий ва бошқа маданиятлар унсурлари мавжуддир. Улар орасида сўзсиз шу халқ, шу цивилизация маданияти услубининг ноёблиги устуворликка эга бўлади.

Миллий ҳуқуқий маданият – юридик таърифларнинг бетакрор уйғунлиги, маъноси, шаклини яратувчи бошланғич асосдир. Зеро, ҳуқуқ ижодкорлиги, энг аввало, ҳар бир муаллифнинг ички дунёси билан бевосита боғлиқ индивидуал жараёндир. Ҳуқуқ – ҳуқуқий қадриятлар яратувчиси бўлган халқ маънавий ижодининг маҳсули. Чунки айнан шу ҳаёт тарзи, шу цивилизациянинг кундалик амалиёти хулқ-атвори тартибга солиш, хилма-хил ҳаёт зиддиятларини ҳал этишнинг тегишли нормаларини дунёга келтиради. Ҳуқуқий қадриятларни яратиш бўйича ҳуқуқ ижодкорлигининг индивидуаллиги ва ноёблиги айнан шундаки, ҳуқуқий-маданий жараёнлар муайян давлатчилик, миллий ҳуқуқ-тартибот, аниқ тарихий давр ва ўзига хос ҳуқуқий онг ҳамда шу халқ менталитети доирасида кечади.

Дарҳақиқат, бутун инсоният ҳуқуқий маданиятининг ушбу бебаҳо ёдгорликларининг айнан ўзига хослиги ялпи умумийлик мақомига эришиш йўлида кўприк вазифасини ўтайди. Чунки бу ўзига хослик у ёки бу «хусусий» маданият доирасида дунёга келган чинакам ноёб, инсоний ижодиёт хусусиятларини ўзида мужассамлаштиргандир. Бинобарин, **миллий ҳуқуқий мафкурани шакллантириш** ҳақида гап бораркан, жаҳон ҳуқуқий маданияти дурдоналарини тўлдириб боришнинг ушбу механизми қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратишни тақозо этади:

Биринчидан, бу – мамлакат ҳуқуқий маданияти қадриятларини ўзлаштириш, уларнинг қонуниятлари, ўзига хос хусусиятларини билишнинг зарурати ва аҳамияти билан боғлиқдир (масалан, Абу Наср Форобий, Ибн

Сино, Амир Темур ва бошқа мутафаккир бобокалонларимизнинг асарларида бу жиҳатлар муайян даражада ифодасини топган). Бундай билимлар ўзидан умуминсоний ҳуқуқий кадриятларни тушуниш ва ўзлаштиришга замин яратади.

Иккинчидан, ҳуқуқий соҳадаги жаҳон маданияти дурдоналарини идрок этиш давлатчилик, қонун чиқариш, ҳуқуқ-тартибот, қонунийлик, ҳуқуқий онг соҳаларида етарли даражада ривожланган асоснинг бўлишини такозо этади. Бегона намуналарда, – ҳатто улар умумбашарий кадрият бўлган тақдирда ҳам, – ҳуқуқий маданиятни шунчаки «ўрганиб» бўлмайди. Бундай уринишлар қонун ҳужжатларини сиртдан жозибадор, лекин маънавий жиҳатдан бегона тузилма ва конструкциялар билан безашгагина олиб келиши мумкин.

Учинчидан, ҳуқуққа нисбатан миллийлик ва умуминсонийлик қиёсларини тўғри аниқлаб олиш хорижий ҳуқуқий материални ўзлаштиришнинг мураккаб муаммосига илмий асосланган тарзда ёндашишга кўмаклашади. Бунда ҳуқуқни ижодий ўзлаштириш билан хорижий ҳуқуқий шаклларида қўпол равишда нусха кўчириш, сиёсий ўзлаштиришни фарқламоқ муҳимдир. Агар кўр-кўрона нусха кўчириш ҳодисаси рўй берса, у ҳолда миллий ҳуқуқий онгнинг ривожига ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас, аксинча, у бундай «ўзлаштириш» оқибатида емирилиб, барбод бўла бошлайди.

Ҳуқуқий маданият миллий ва умуминсоний маданиятнинг таркибий қисми сифатида ўзига нисбатан ғамхўрларча муносабатга, ўзининг минтақавий ва дунё миқёсидаги, синфий, умумижтимоий, миллий, умуминсоний барча таркибий қисм ва бўлақларини асрашга, уларнинг кўпайтириб борилишига муҳтождир.

Яна шуни ҳам унутмаслик керакки, ҳуқуқий маданият маданиятнинг бошқа соҳа ёки тармоқлари – сиёсий, ахлоқий, эстетик, диний тармоқлар билан ўзаро боғлиқликда мавжуд бўлади. Шунинг учун ҳуқуқий маданиятнинг ўзига хос мазмунида, албатта, умуман маданиятнинг ҳам,

унинг алоҳида соҳаларининг ҳам хусусиятлари ва жиҳатлари намоён бўлади. Шу муносабат билан маданият барча соҳаларининг ўзаро алоқадорлиги муҳим роль ўйнайди. Дарҳақиқат, демократик давлат шароитида шахснинг қонунга итбаткор хулқ-атворини таъминлаш ишини бир вақтнинг ўзида ҳам ахлоқий, ҳам ҳуқуқий онг орқали амалга ошириш зарур бўлади. Рус ҳуқуқ назариётчиси Иван Ильин бу ҳақда образли қилиб, шундай ёзганди: «Соғлом ҳуқуқий онгга эга бўлган одам *эркин ҳуқуқ субъектидир*; у *содиқлик*, (қонунга) итбаткорликка интилади. У ўзининг ҳам, бошқаларнинг ҳам ваколатлари, мажбуриятлари ва тақиқларига риоя эта олади; у ҳуқуқ-тартиботнинг, ўзини ўзи бошқаришнинг, армия ва давлатнинг жонли таянчидир.

Ҳуқуқий онгдан маҳрум одам ҳайвонга ўхшайди ва ўзини бўридай тутати. Фақат кўрқув туфайлигина итбаткор бўлган одам кўрқув йўқолиши билан бўрига айланади. Масъулият ва ор-номус туйғуларига эга бўлмаган одам на шахсий, на ижтимоий ўзини ўзи бошқаришга қобилиятли эмас, *шунинг учун демократияга ҳам ярамайди.*

2.2. Ҳуқуқий маданиятни ривожлантиришнинг назарий-амалий аҳамияти

Ўзбекистон Республикаси демократик қадриятларга асосланган очик фуқаролик жамияти қурмоқда. Ушбу пировард мақсад ҳуқуқий маданиятнинг моҳияти, тизимлари ва вазифаларини белгилаб беради. М.Шарифхўжаевнинг таърифига кўра, «фуқаролик жамияти – ҳозирги замон дунё маданиятида инсониятнинг нодир кашфиётидир. У юксак маданиятга асосланган демократик тараққиётнинг олий шакли бўлиб, ўзига хос ижтимоий эркин макондир. Бу маконда одамлар бир-биридан ва давлатдан мустақил ҳолда ўзаро ҳамкорликда, алоқада бўлишади... Ана шу тариқа фуқаролик жамиятининг шаклланиши бевосита шахснинг индивидуал озодлиги ва эркинлигига, кадр-қимматига боғлиқ»¹⁰. Демак, фуқаролик жамияти кишиларнинг ижодий қобилияти ва ҳуқуқий кафолатларини рўёбга чиқариш маконидир. Ҳуқуқий маданиятнинг моҳияти эса ушбу маконда фуқароларнинг ўз ҳуқуқларини, эркинликларини рўёбга чиқаришларида, кенгроқ маънода эса ҳуқуқий-маданий бойликлар яратишларида намоён бўлади¹¹.

Қонун устуворлигини таъминлаш ва сиёсий институтларни инсон манфаатлари йўлида хизмат қилдириш *ҳуқуқий маданият тизими* орқали амалга оширилади. Ушбу тизимлар илмий адабиётларда турли гуруҳларга ажратилади. Масалан, С. С. Алексеев уларни: 1) жамиятда ҳуқуқий онгнинг аҳволи; 2) қонунчиликнинг аҳволи; 3) қонун ишлаб чиқишнинг аҳволи, мазмуни ва кўринишлари; 4) ҳуқуқ соҳасидаги амалий ишларнинг аҳволи кабилардан иборат деб билади¹². Ўзбек ҳуқуқшунослари эса унга бошқача ёндашадилар.

Яъни, ҳуқуқий маданият тизимига: 1) юридик нормалар тизими бўлмиш ҳуқуқ; 2) ҳуқуқий, яъни қонун билан тартибга солинган ижтимоий

¹⁰ Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очик фуқаролик жамиятининг шаклланиши. – Т.: Шарқ, 2003. – Б. 7.

¹¹ Қаранг: Таджихонов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. Т. 1. – Т., 1998. – Б. 11.

¹² Қаранг: Алексеев С. С. Право: азбука–теория–философия: Опыт комплексного исследования. – М.: Статут, 1999. – С. 271.

муносабатлар; 3) ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва таъминлаш фаолияти билан шуғулланувчи давлат ва жамият институтлари тизими бўлмиш юридик муассасалар; 4) ҳуқуқий онг, яъни ҳуқуқий воқеликни маънавий жиҳатдан акс эттирувчи тизим; 5) ҳуқуқий (ҳам қонуний, ҳам қонунга ҳилоф) ҳатти-ҳаракатни киритадилар.

Кўриниб турибдики, гуруҳлар ўртасида жиддий фарқ йўқ, уларнинг ҳар иккаласида ҳам тадрижий ва амалий ёндашувлар уйғунлашиб кетади. Биз тадқиқотимизнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, фуқаролар ҳуқуқий маданияти тизимида субъектлар нуқтаи назаридан ёндашиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Бундай пайтда ҳуқуқ ҳуқуқий маданиятнинг таркибий қисми сифатида қайд этилмайди. Бизнинг фикримизча, ҳуқуқ ҳуқуқий маданиятнинг бутун тизими, унсурлари, институтлари билан ҳамбарчас боғланган марказий қисмидир. У ҳуқуқий маданият тизимларидан бири эмас, балки унинг мавжудлик, барқарорлик шарти, субстанционал белгисидир. Агар ҳуқуқий маданиятни тирик организмга қиёсласак, ҳуқуқ унинг бутун вужудига тарқалган қон томирларидир.

Субъектлари нуқтаи назаридан, ҳуқуқий маданият қуйидаги турларга бўлинади:

- шахс (фуқаро)нинг ҳуқуқий маданияти;
- ижтимоий гуруҳларнинг (иқтисодий, сиёсий, ҳарбий, ижодий, этник, трансмиллий, диний ва б.) ҳуқуқий маданияти;
- жамиятнинг ҳуқуқий маданияти;
- давлат хизматчилари ва бошқарув органлари ходимларининг ҳуқуқий маданияти;
- ҳуқуқни муҳофаза қилиш, органлари ходимларининг ҳуқуқий маданияти;
- парламент депутатларининг ҳуқуқий маданияти.

Ушбу субъектлар ижтимоий муносабатлар тизимида турли поғоналарда туради ва ҳуқуқий маданиятга турлича алоқадордирлар.

Масалан, кейинги икки гуруҳга оид субъектлар – ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходимлари, юридик институтлар ва Олий Мажлис – функционал хусусиятларига кўра ҳуқуқий маданиятга бевосита боғлиқдирлар. Қолган субъектлар эса ҳуқуқий маданият билан билвосита алоқада бўлади, бироқ бу уларнинг ҳуқуқий-маданий бойликлар яратишда фаол катнашиши мумкинлигини инкор этмайди.

Ҳуқуқий маданиятнинг илмий-методологик асоси ҳуқуқий маданиятнинг ички вазифаларини ўрганишни тақозо этади¹³.

Ҳуқуқий маданиятнинг функциялари илмий адабиётларда турлича таснифланади.¹⁴ Уларда ҳар бир тадқиқотчи ўз олдига қўйган илмий-назарий мақсадидан келиб чиққани кўзга ташланади.

Масалан, профессор У. Таджихонов ва А. Саидов таснифида фалсафий-маданий ёндашув устун тургани учун улар ҳуқуқий маданиятнинг тартибга солувчи, норматив, социологик, коммуникатив, башорат қилиш вазифаларини ажратиб кўрсатадилар¹⁵. Бироқ ушбу таснифда ҳуқуқий маданиятнинг мослашув, маърифий-тарбиявий, ижтимоийлашув, интегратив вазифалари эътибордан четда қолиб кетган.

С. А. Ходжаева ҳуқуқий маданиятнинг ғоявий, ҳуқуққа онгли муносабатларни тарбиялаш, ҳуқуқий хулқ-атворни шакллантириш каби вазифалари ҳам бор, деб ҳисоблайди¹⁶. Олиманинг фикрича, улар тарбиявий ва маърифий функциялардир. Аммо ҳуқуқий маданият фуқароларни қонун ишлаб чиқиш ва жамиятни демократлаштиришга жалб этиш функциясини

¹³ Қаранг: Певцова Е. А. Современные дефинитивные подходы к правовой культуре и правовому сознанию // Журнал Российского права. – 2004. – № 3. – С. 78.

¹⁴ Қаранг: Кейзеров Н. М. Политическая и правовая культура. Методологические проблемы. – М.: Юрид. лит., 1997. – С. 89; Татаринцева Е. В. Правовое воспитание (методология и методика). – М.: Высш. школа, 1990. – С. 67; Зокиров Х. Основы правовой культуры правосудия. – Т.: Янги авлод, 1996. – С. 44; Абзалов Э. М. Правовая культура и правонарушения молодежи. – Т.: Адолат, 1997. – С. 45–46; Таджихонов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. Т. 1. – Т.: ЎзР ИИВ Академияси, 1999. – Б. 68; Турдибоева Р. Талаба ёшлар ҳуқуқий маданиятини шакллантиришнинг назарий ва амалий масалалари. – Т.: Янги авлод, 2002. – Б. 34–35; Ходжаева С. А. Правовая культура и проблемы развития социально-правовой активности женщин Республики Узбекистан: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Т.: Академия МВД РУз, 2004. – С. 23; ва бошқ.

¹⁵ Қаранг: Таджихонов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. Т. 1. – Т.: Адолат, 1998. – Б. 32.

¹⁶ Қаранг: Ходжаева С. А. Правовая культура и проблемы развития социально-правовой активности женщин Республики Узбекистан (историко-правовое исследование): Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Т.: Академия МВД РУз, 2004. – С. 17.

хам бажаради, деган фикрида жон бор. Ҳуқуқий маданият фуқароларнинг ҳуқуқий дунёқараши ва тарбиясини амалга оширибгина қолмай, уларни ҳуқуқий-маданий бойликлар яратишга жалб этади ҳам. Бу бойликлар, энг аввало, фуқароларнинг қонун лойиҳаларини муҳокама ва қабул қилишда, юридик институтлар фаолиятини либераллаштиришда иштирок этишларида намоён бўлади.

Тадқиқотимизнинг мақсадидан келиб чиқиб, талаба ёшлар ҳуқуқий маданиятнинг функцияларини қуйидагича таснифлашимиз мумкин:

Адаптация – (лотинча – «мослашиш, мувофиқлашиш») инсоннинг ён-атрофга, муҳитга мослашувини англатади. Инсон қадимдан ё табиий оламга ёки одамлар яратган ижтимоий-сунъий муҳитга мослашиб яшаб келади. Шунинг учун унга, антрополог А.Гелен таъкидлаганидек, инсонга «яқунланмаганлик», «ноаниқлик», «биологик номукаммаллик» хос

Маърифий функция фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий ҳаёт ва билимларга оид маънавий эҳтиёжларини қондиришга қаратилгандир. Таҷриба шуни кўрсатадики, ёшлар содир қиладиган жиноятлар ва ғайриқонуний ҳаракатларнинг сабаби кўпинча уларнинг ҳуқуқий-маърифий билимлари етарли эмаслигидир. Шунинг учун ҳам республикамізда 1997 йилда қабул қилинган «Ўжамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури»да фуқароларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, уларнинг ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар билан очиқ танишишини таъминлаш, қабул қилинган қонунлар ва юридик актлар ҳақида уларни мунтазам хабардор қилиб бориш вазифа қилиб қўйилган»¹⁷.

Тарбиялаш – ҳуқуқий маданиятнинг яна бир функцияси. Унинг барча функциялари тарбиявий хусусиятга эга бўлиб, у ёки бу даражада, кўламда тарбиялаш жараёни билан боғланган.

¹⁷ Ҷамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1997. – № 8. – Б. 23–33.

Ҳуқуқий тарбия инсондаги «қоронғи ва консерватив нарсаларни енгишга қаратилган», ички зиддиятларга эга, вақт ва маконда кечадиган жараёндир¹⁸.

М. Ғуломова ёзганидек, «ҳуқуқий тарбия мутлақ ўзгармас, субъект ва объектнинг умрбоқий ҳолати эмас»¹⁹. Ижтимоий ҳаёт каби юридик нормалар, қонунлар, инсонлар ўртасидаги муносабатларни, давлатни, жамиятни бошқариш ҳам ўзгаришда, ҳам ҳаракатда бўлади. Бу омил эса ҳуқуқий тарбиянинг ҳам мудом ҳаракатда бўлишини талаб этади.

Регулятив-норматив функция ҳуқуқий ва ижтимоий нормалар орқали амалга оширилади. Ушбу функция «одамларни уларнинг фаолиятида белгиланган қоидаларга ижтимоий интилиш ва орзулари, эҳтиёжлари ва манфаатларининг, ҳуқуқий муносабатларда ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг амалга ошишини таъминлайди, бу муносабатларни йўлга қўйишга ёрдам беради»²⁰.

Инсон хатти-ҳаракатлари, фаолият турлари генетик белгиланмаган. У ижтимоий муҳитда яшаб ўз хулқ-атворини, сўз ва амалларини идора этиб, йўналтириб боришга ўрганади. Ҳуқуқий маданият эса кишини жамият ва давлат томонидан қабул қилинган ҳуқуқий нормалар асосида яшашга ўргатади. Бу, аслида, «ижтимоий кутилган»²¹ нормага мувофиқликдир.

Интегратив функция ҳуқуқий маданиятдаги миллий ва умуминсоний, тарихий-анъанавий ва замонавий, ҳудудий ва минтақавий белгиларни уйғунлаштириб, бирлаштириб келганида акс этади. Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнини топишга интилаётгани, дунё халқлари билан интеграцияга киришаётгани ҳуқуқ соҳасида новация ва инновацияларни юзага келтирмоқда.

¹⁸ Қаранг: Татаринцева Е. В. Правовое воспитание (методология ва методика). – М.: Высш. школа, 1990. – С. 5–6.

¹⁹ Ғуломова М. Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш масалалари. – Т.: Фан ва технология, 2006. – 160 б.

²⁰ Таджиханов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. Т. 1. – Т.: ЎзР ИИВ Академияси, 1999. – Б. 33.

²¹ Лукьяненко М. В. Проблемы совершенствования правового воспитания студенческой молодежи: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Алматы, 1989. – С. 19.

Коммуникатив функция ҳуқуқий маданиятнинг субъекти билан объекти, замонавий ҳуқуқнинг – анъанавий ҳуқуқ, миллий ҳуқуқнинг эса халқаро ҳуқуқ билан мулоқотини, оғзаки, ёзма, компьютер технологияси орқали алоқаларини ифода этади. Ушбу мулоқот ва алоқалар жараёнида катнашаётганлар тажриба алмашадилар, ўз дунёқарашини бойитадилар. Ҳуқуқий-маданий тадбирлар жараёнида пайдо бўладиган жонли мулоқот, алоқа ёшларнинг айниқса «ҳуқуқий ҳисси»²², ҳуқуқий онгининг ўсишига тез таъсир қилади.

Ижтимоийлашув шахснинг жамият яратган билим ва нормаларни ўрганиши ҳамда хулқ-атворни ўзлаштириши орқали ижтимоий муносабатларда қатнашишидир²³. Бироқ, бу фуқаролар ҳуқуқий-маданий бойликлар яратгани эмас.

²² Татаринцева Е. В. Правовое воспитание (методология и методика). – М.: Высш. школа, 1990. – С. 23.

²³ Каранг: Социология. Основы общей теории. – М.: Аспект Пресс, 1998. – С. 170–171.

2.3. Ўзбекистонда фуқаролар ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш масалалари

Бугунги кунда биз танлаб олган янги жамият қуриш йўлида фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксак даражада шакллантириш ҳамда уларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатли таъминлаш муаммолари алоҳида аҳамият касб этмоқда.

“Ҳуқуқий маданиятнинг юқори даражада бўлиши ҳуқуқий давлатнинг ўзига хос хусусиятидир. Бозор иқтисодиётини шакллантиришда ҳуқуқий маданиятни ошириш муҳим иш ҳисобланади. Шу билан бирга ҳуқуқий маданият савияси қабул қилинган қонунлар сони билан эмас, балки ушбу қонунларнинг барча даражаларда ижро этилиши билан белгиланади. Ушбу муҳим ишда одамларда қонунларга ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан чуқур ҳурмат ҳиссини тарбиялаш алоҳида аҳамиятга эгадир. Зеро, ҳуқуқий нормалар одамлар онгига сингган ва улар амал қилган тақдирдагина яшайди ва руёбга чиқади”.²⁴

Ҳуқуқий маданият — бу жамият аъзолари бўлмиш фуқароларнинг ҳуқуқий билиш даражаси, ҳуқуқга нисбатан ҳурмати ва жамиятда ҳуқуқнинг юксак қадрият сифатида эъзозланишидир...²⁵

Ҳуқуқий маданият — бу жамият ҳаётига ҳуқуқни сифатли татбиқ этишдир. У кундалик турмуш муаммо ва масалаларини ҳал этишда ҳуқуқий имкониятлардан фойдаланишда, ҳалқ эҳтиёжларини қондиришда ўзига хос бир барометдир. Шунинг учун белгилаш қийин эмаски, ҳуқуқий маданият даражаси қонунчилик мазмунининг одамлар эҳтиёжи ва қизиқишларига қанчалик яқинлигига, ҳуқуқ ва бурчлар баён этилган қонунчилик шахсларнинг нечоғлик кенг доирасига дахлдорлигига боғлиқ.²⁶

²⁴ Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. -Т. 1. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б.322.

²⁵ Теория государства и права Учебник под.ред. Р.А.Ромашова – СПб.: Юрид. центр Пресс, 2005. -С 341.

²⁶ Кудрявцев И.В. Минтақада ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият шаклланишининг ўзига хослиги / Ўзбекистон ҳудудида ҳуқуқнинг тарихий ривожланиши. Семинар материаллари.-Т.: Адолат, 2007. –Б. 10.

Ўзбекистонда аҳолининг ҳуқуқий маданиятни ошириш масаласи Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаб ўтганларидек, “давлат сиёсати даражасига кўтарилиши лозим, зеро мустақиллик сўзининг замирида ҳам катта, улуғ ҳуқуққа эга бўлиш деган тушунча ётади”.²⁷ Бу йўналишда мамлакатимизда анча ишлар қилинди: Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини шакллантириши мақсадида “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури” (1997 йил 29 август), Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишларини яхшилаш” (1997 йил 25 июнь) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги юристлар малакасини ошириш марказини ташкил қилиш тўғрисида”ги қарори (1997 йил 21 июль) қабул қилинган.

Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури аҳоли барча қатламларида ҳуқуқий саводхонликни ошириш, юқори даражадаги ҳуқуқий онгни шакллантириш, ҳуқуқий билимларни кундалик ҳаётда татбиқ эта билиш кўникмаларини тарбиялаш учун ҳуқуқий маданиятни ривожлантиришнинг кенг, доимо ҳаракатдаги тизимини яратишни вазифа қилиб белгилади.

Аҳолининг ҳуқуқий онгини шакллантириш тизими учун муҳим қарорлардан бири бўлиб, Президент И.А. Каримовнинг 2001 йил 4 январь “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил қилиш тўғрисида”ги фармойиши ҳисобланади. Мазкур фармойишни бажариш юзасидан мамлакатимизнинг асосий қонунини ўрганиш бўйича изчил тизим ташкил этилди ва тегишли дарсликлар, ўқув қўлланмалари, рисоалар чоп этилди.

Ҳар қандай ижтимоий тараққиёт юқоридаги тўртта соҳага таянади, улардан биронтаси эътиборсиз қолса, жамиятда қарама-қаршиликлар,

²⁷ Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Т.: Ўзбекистон, 1998. –Б. 29.

зиддиятлар авж олади. Бироқ тараққиётнинг маълум бир босқичларида ушбу соҳалардан бирининг айрим йўналишларига жиддий эътибор бериш талаб қилинади, албатта. Масалан, Ўзбекистон Республикасида фуқаролик жамияти пойдеворини барпо этиш учун ҳозирги пайтда: а) ижтимоий-сиёсий институтлар фаолиятини ранг-баранглаштириш ва қўллаб-қувватлаш; б) ҳуқуқий маданиятни миллий демократик тараққиёт талабаларига мувофик шакллантириш асосий масалалардан биридир.

Бундан ташқари, ижтимоий ҳаракатларнинг қуйи поғоналарда ривожланишини қўллаб-қувватлаш керак. Нодавлат жамоат ташкилотлари бошқарув идораларининг ташкил этилганлиги асосий кўрсаткич, пировард мақсад бўлолмайди, энг муҳими уларнинг қуйи ташкилотларини тўлақонли ишлашини таъминлашдадир. Сир эмаски, фуқароларимизнинг аксарияти ижтимоий-сиёсий ҳаракатларга лоқайд муносабатда, ушбу ҳаракатларнинг даъватларига ишонавермайди. Ҳатто уларнинг кўпчилиги ўзларини турар жойларида қандай нодавлат жамоат ташкилотлари тузилганини, уларнинг номи ва қандай тадбирлар ўтказаяётганини билмайди.

Демак, бугун фуқароларнинг нодавлат жамоат ташкилотлари ҳақидаги қарашларини тубдан ўзгартириш олдимиздаги вазифа бўлиб турибди.

Давлат ҳуқуқий тизими ва амалдаги қонунчилик ҳақида зарур билимларга эга бўлмай, фуқаролар ўз ҳуқуқ ва бурчларини адо этиб, манфаатларини ҳимоя қила олмайдилар. Давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларида етарли ҳуқуқий билимларга эга бўлмаган шахслар фаолият юритса, бу жамият ва давлат учун салбий оқибатларни келтириб чиқаради. Мазкур масала бўйича республикаимиз Президенти И.А. Каримов шундай деб таъкидлаганлар: “Мен ўз бурчи, ўз хизмат вазифасига кўра қабул қилинган қонунларнинг бажарилишига масъул бўлган шахслар ҳақида алоҳида тўхталишни истардим. Булар – қонунни муҳофаза қилувчи идоралар ва маъмурий органларнинг ходимларидир. Айни шу ходимларнинг хатти-ҳаракатларига қараб кўпчилик жамиятда қонун кучига қандай амал

килинаётганига, ҳуқуқий механизмлар нечоғли кучли эканига, ҳуқуқий жамият қай даражада етуклигига баҳо беради.”²⁸

Ҳуқуқий маданият мураккаб, социодинамик ҳодиса сифатида мудом ўзгаришда, ҳаракатда келади. Ҳатто унга ноодатий, нотекис содир бўлиш ҳолатлари ҳам хосдир. Масалан, махсус институтни тугатиб, қонунчилик, жинойт ва жазо тартибларидан яхши хабардор ҳуқуқшунос-амалиётчиларнинг баъзилари томонидан қонунларнинг бўзилиши ҳолатлари ҳам учраб туради. Аслида ушбу ҳуқуқшунос-амалиётчиларнинг қонунларга риоя этиши, намунали даражада бўлиши зарур эмасмиди? Ёки бўлмаса, махсус жазо муддатларини ўтаган, қамоқда ҳуқуқий тарбияга оид тадбирларга ҳар куни гувоҳ бўлган, “тарбияланган” шахснинг озодликда атайин яна жинойтга қўл урушини қандай тушиниш даркор? Демак, ҳуқуқий маданият ҳар доим ҳам текис шаклланмайди, унда нотекис шаклланиш ҳам мавжуд. Ҳуқуқий маданиятдаги ушбу нотекис шаклланиш боисларини аниқламай, ўрганмай, ушбу ҳолатларнинг пайдо бўлиши қонуниятларини топмай ва уларга қарши турувчи ижтимоий-тарбиявий, юридик механизмларни яратмай фуқаролик жамияти пойдеворини барпо этиш қийин кечади.

Ҳуқуқий маданият маънавий-ахлоқий ва ҳуқуқий бойликлар сифатида қонунга итоаткор турмуш тарзини шакллантирувчи, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий бошқарувчи ва мамлакатда ҳуқуқий тартибларни ўрнатувчи ҳуқуқий маконда, норматив актларда ва ҳуқуқий онгда ўз ифодасини топади.²⁹

Нима учун биз ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз, бу билан биз ҳуқуқий давлат қуришдаги унинг ролини бўрттириб юбораётганимиз йўқми, деган савол туғилади. Албатта, йўқ.

²⁸ Каримов И.А. Халқимиз жипслиги – тинчлик ва тараққиёт гарови//Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. – Т.: Ўзбекистон, 1999. –Б. 159.

²⁹ Қаранг: Соколова Н.С. Правосознание, правовая культура и правовое воспитание// Проблемы общей теории права и государства. –М., 1999. –С 406-407.

Чунки ҳукукий хулқ-атворни шакллантирувчи бош омиллардан бири ҳукукий маданият ҳисобланади.

Ҳукукий маданият жамият умумий маданиятининг таркибий қисми сифатида жамиятни онгли равишда бошқаришни, ўз олдимизга қўйган дастурий вазифаларни амалга оширишда, инсонларнинг мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий ислохотларнинг туб моҳиятини тўлақонли англаган ҳолда фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш учун ҳамжиҳатликда фаолият юритишларини таъминлайди. Ушбу соҳада қуйидаги ишларни амалга оширилса, мақсадга мувофиқ бўлади:

- ҳукукий таълим ва тарбия тизимини янада такомиллаштириб етук ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш;
- давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг қонунга ҳамда ҳуқуқга ҳурмат билан муносабатда бўлишига эришиш, ҳуқуқ устуворлигини таъминлаш;
- аҳолининг ҳукукий саводхонлигини ошириш, ўзлуксиз ҳукукий тарғибот-ташвиқот ишларини юритиш;
- фуқароларнинг ижтимоий-ҳукукий фаоллигини таъминлаш, давлат ва жамият ҳаётининг муҳим масалаларини ҳал этишда вакиллик демократиясининг самарали усулларида фойдаланиш;
- аҳоли турли қатламларини ҳукукий ахборотлаштириш, айниқса, ёшлар ижтимоийлашувида алоҳида эътибор қаратиш.

Фуқароларнинг ҳукукий маданиятини давр талабларига мос равишда кўтармай фуқаролик жамиятининг мустаҳкам пойдеворини яратиш қийин. Ўз ҳуқуқини яхши билган, қонунлардан хабардор, демократия шароитида қонунларга мувофиқ яшашга ўрганган кишиларгина фуқаролик жамиятини барпо этиш, уни эзгу тилакдан реал ҳаётга айлантиришлари мумкин.

Ҳукукукий хулқ-атвор доимий, мақсадли хатти-ҳаракатлар натижасидир. Шунинг учун ҳукукий-тарбиявий жараёнлар ўзлуксиз олиб борилиши зарур. Қаерда ушбу жараёнларда “бўшлиқ” содир бўлса, ўша

жойда “нотекис” ҳоллар, яъни ҳуқуқий ҳуқ-атворда нопрецендент (илгари кутилмаган, мақсадга зид) юзага келади.

Ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий ҳуқ-атвор фуқаролик жамияти пойдеворини барпо этиш негизи экан уларни шакллантириш муаммоларини ҳам ўзлуксиз, ҳар бир аҳоли қатламларига мувофиқ тадқиқ этиб бориш эҳтиёжи ҳам сақланиб қолаверади. Ҳуқуқий маданият - умумий маданиятнинг ажралмас таркибий қисми. Инсон онгида шундай ишонч қарор топиши керакки, ҳуқуқий билимларга эга булган ва уларни амалиётда тадбиқ эта оладиган кишигина маданиятли ва билимли деб ҳисобланиши мумкин, деган эди мамлакатимиз раҳбари И.А. Каримов.

Мамлакатда ҳуқуқий тарғибот мавжуд бўлмаган, қонунлар ва ҳуқуқий меъерлари бекор қилинган вазиятни бир тасаввур қилинг. Кишилар қонунларга риоя қилишни, бошқа фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилишни йиғиштириб қўйганлар, ўз хохишларича суд қилиш ва жазодан озод этиш ҳуқуқини эгаллаб олганлар.

Қонунларга риоя этишга маъсулият билан ендашиш биринчи навбатда ҳар бир кишининг ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқ бўлади.

Ҳуқуқий маданият - киши умумий маданиятининг таркибий қисми. Унинг даражаси ҳуқуқий онг даражаси билан белгиланади. Ҳуш, ҳуқуқий онгнинг ўзи нима, у қандай шаклланади?

Ўз ҳуқуқини таниш бу ижтимоий онг соҳаларидан бири бўлиб, билимлар, фикрлар, баҳолашлар, фуқароларнинг ҳуқуққа муносабати ана шу соҳада шаклланади. Фуқароларда ўз ҳуқуқини таниш даражаси қанча юқори бўлса, ҳуқуқий маданият даражаси ҳам юқори бўлади.

Агар фуқаро ҳуқуқнинг аҳамиятини тўғри баҳоласи ва унинг талабларини ҳурмат қилса у қонунни бўзмасликка ҳаракат қилади. Фуқаролар ҳуқуққа ҳурматсизлик муносабатида бўлсалар, улар албатта қонунга зид ҳаракат қилади. Ана шунинг учун ҳам ҳуқуқни билиш жуда муҳимдир.

Қонунларни билишни ўзи ҳали жамиятда ҳуқуқий маданиятнинг юқори даражада эканлигидан далолат бермайди. Қонунларни яхши билиш, лекин шундай бўлса-да уларнинг талабларига риоя этмаслик ҳам мумкин.

Қундалик ҳаётда шундай ҳам бўладики, ҳатто юридик маълумотга эга бўлган кишилар қонунни бўзادилар, ваҳоланки, улар қонун нималигини ва унга риоя қилиш ғоятда муҳим эканлигини жуда яхши биладилар. Шу сабабли ҳуқуқий маданият мавжудлиги нафақат қонунларни билишни, балки уларга риоя қилишни ҳам англатади.

Қонунларни биладиган кишилар шахсий ва ижтимоий манфаатларни юридик жиҳатидан саводли ҳимоя қилишга, шахс ҳуқуқлари ва эркинликларини бўзилиш ҳолатларига тура оладилар.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури” ҳақидаги қароридан: юксак ҳуқуқий маданият - демократик жамият пойдевори ҳамда ҳуқуқий тизим етуқлигининг ифодасидар. У жамиятдаги турли хил ҳаётий жараёнларга фаол таъсир курсатувчи, фуқароларнинг, барча ижтимоий гуруҳларининг жипслашувига кумаклашувчи, жамиятнинг яхшилигини ҳамда тартиблигини таъминловчи ва мустаҳкамловчи омилдир.

Жамият ва давлат тараққиётининг ҳозирги ҳолати ҳуқуқий муносабатлар барча иштирокчиларнинг ҳуқуқий маданиятини, ҳуқуқий саводхонлигини ҳар томонлама ошишини талаб қилмоқда. Ҳуқуқий маданият ҳуқуқий билим, ҳуқуқий эҳтиёж ва изоҳий амалий фаолият мажмуи сифатида жамият ва давлат олдида турган вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилишини таъминлайди.

Оилада, мактабдаги тарбия натижасида ва атроф муҳит таъсирида бизда нималар қилиш мумкин ва мумкин эмаслиги, яхшилик ва ёмонлик, кишилар ўртасида ўзаро муносабатлар қоидалари тўғрисида тасаввурлар пайдо бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури”нинг асосий мақсади - ҳуқуқий билимларни эгаллашлари ва уларни кундалик ҳаётда қўллай олишлари учун мамлакатимизнинг барча фуқароларида ҳуқуқий маданиятни бир мақсадни кўзлаб шакллантиришдир.

Миллий дастурда шундай дейилади: “Шуни назарда тутиш керакки, ҳуқуқий тарбия инсонларни ҳуқуқ, қонунийлик руҳида тарбиялаш, қонунга ҳамда ҳуқуққа нисбатан ижобий муносабатни шакллантириш билан чекланиб қолмай балки шахснинг ижтимоий ҳуқуқий фаолиятида, унинг ҳуқуқий маданиятида ўзининг ифодасини топади”.³⁰

Маълумки, шахсларнинг ҳуқуқий билими, ҳуқуқий онги, маданияти қанчалик юқори бўлса, шунча ҳуқуқий муносабатларда қонун-қоидалардан, ҳуқуқ нормалардан фойдаланиши осон бўлади.

“Биз,-дейди И.А. Каримов,- одамларнинг эскича психологиясини ўзгартириб, уларда янги ҳуқуқий онгни шакллантирмоғимиз лозим. Шундай бўлсинки, ҳар бир киши эркинликларини - айтилиб вақтда муайян бурч, мажбурият ва маъсулият эканлигини чуқур ҳис этиб турсин”.³¹

Агар ҳуқуқий онг билан ҳуқуқий маданият бир хил таъсир кучга эга бўлса, ҳуқуқбўзарлик, қонунга риоя қилмаслик ёки бошқа ноҳуқуқ ҳаракат амалга ошмайди.

Киши ўзининг бутун ҳаёти давомида қонунга доимий боғлиқликда бўлади. Киши самолётда учганда, кемада сўзганда, уй сотиб олганда, машина хайдаганда, уйланганда, ўқиганда ёки ишлаганда - шу сингари ҳамма ҳолларда у ёки бу қонунларга иши тўшади.

Демократик ва фуқаролик жамият қуриш шароитида ҳар бир қонун фуқаро эркинликларининг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилади. Мустабид тўзум даврида эса аксинча, қонунлар имкон қадар инсон эркинликларини

³⁰ Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси 1997 йил 29 августда қабул қилинган “Миллий дастур”дан

³¹ И. А. Каримов “Янги фикрлаш ва ишлаш давр талаби”. Тошкент. “Ўзбекистон”, 1997 йил, 120 бет.

чеклар эди ва шунинг эвазига ҳокимият тепасида турган кучларнинг ҳуқуқларини кенгайтирар эди..

Бугунги кунда мамлакатимизда ҳалқимизнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, қонунга ҳурмат, итоат қилиб яшашни мезонга айлантириш масаласига катта эътибор берилмоқда. Президентимиз И. А.Каримовнинг Олий Мажлис олтинчи сессияси ҳамда мамлакатимиз Конституциясининг 9 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали маросимида сўзлаган нутқида бу борада вазифалар аниқ ва равшан ифодаб берган эди.³²

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов ҳозирги кунда ҳуқуқшунослик фани муҳим аҳамият касб этаётганига эътиборни қаратмоқда. Дарҳақиқат, жамиятнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда ҳуқуқшуносликнинг кулами кенгайиб бормоқда. Ҳар ким ўз ҳуқуқини билиши, фойдалана олиши, уларнинг ҳимоя қилиш учун аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш нечоғли муҳим эканлигини ҳар доим эслаб туришимиз лозим.

³² И. А. Каримовнинг Олий Мажлисининг олтинчи сессияси ҳамда Конституциянинг 9 йиллигига бағишланган нутқидан. Тафаккур. 2002 №2. 84 бет.

ХУЛОСА

Давлат ва ҳуқуқ масалалари каби, ҳуқуқий онг ва маданият ҳам муаммоли ва долзарблигини, бу борада ҳали қилиниши лозим бўлган ишлар кўплигини алоҳида қайд ўтиб ўтиш лозим. Давлатимиз қонунчилигида ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтиришга доир номатив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг етарли эмаслигини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим. Бундан ташқари, мавзуга доир илмий-амалий анжуманлар, очик мулоқот тарзидаги йиғилишлар, семинарлар ўтказиш мақсадга мувофиқ, шу билан бирга, Ўзбекистонда ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтиришнинг илмий-амалий асосларини яратиш учун ўзига хос замин яратиб беради. Шунини алоҳида қайд этиб ўтиш керакки, Ўзбекистонда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни оширишнинг илмий концепцияси ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Ана шу концепция асосида жамиятда ҳуқуқий онг ва маданиятни ошириш масалалари тўлиғича қамраб олиниши ва фуқаролик жамиятида комил шахсларни тарбиялашнинг ўзига хос мактаби яратилса ажабмас.

Ҳуқуқий маданиятнинг шаклланишига аҳоли қатламларининг мавқеи, манфаати, ёши, билими, жинси, касб-кори каби бир қатор ижтимоий омиллар таъсир этадики, ушбу хусусиятлар ҳуқуқий маданиятга дифференциал ёндашишни тақозо қилади. Субъектлари нуқтаи назаридан, ҳуқуқий маданият қуйидаги турларга бўлинади:

- шахс (фуқаро)нинг ҳуқуқий маданияти;
- ижтимоий (иқтисодий, сиёсий, ҳарбий, ижодий, этник, диний ва б.) гуруҳларнинг ҳуқуқий маданияти;
- жамиятнинг ҳуқуқий маданияти;
- давлат хизматчилари ва бошқарув органлари ходимларининг ҳуқуқий маданияти;
- ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг ҳуқуқий маданияти;
- ҳалқ вакилларининг ҳуқуқий маданияти.

Ҳозирги замонда урф-одатчилик элементлари куп ҳолларда оддий ҳуқуқий онг даражасида бўлиб, ҳуқуқий тизим ва ҳуқуқни ташкил қилиш норматив тизимда умуман йўқ. Ҳуқуқда ижтимоий қадриятларни ривожлантириш Ўзбекистонга хос бўлиб, унинг қадр –қимматини тушуниш долзарб бўлиб бормокда, жамият ҳаётида ҳуқуқнинг роли юксалмокда. Адолатли демократик жамиятнинг фақатгина инсон, жамият ва давлат манфаатларининг бирлиги ва мутаносиблиги негизида барпо этилиши мумкин. Улар ўртасидаги муносабатларининг асосини қонунийлик ташкил этмоғи лозим.

Шу мақсад йулида Республикамизда «Демократик жамиятга юксак ҳуқуқий маданият» шиори билан олға қадам ташлашимиз лозим. Шунинг учун давлатимизда фуқароларни ҳуқуқий онгини ва маданиятини ривожлантириш борасида чора тадбирлар ва бир қанча ишлар амалга оширила бошланди.

«Жамият ва давлат тараққиётининг ҳозирги ҳолати ҳуқуқий муносабатлар барча иштирокчиларининг ҳуқуқий маданиятини ҳуқуқий саводхонлигини ҳар томонлама оширишда талаб қилмокда. Ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий билим, ҳуқуқий эътикод ва изчил амалий фаолият мажмуаси сифатида жамият ва давлат олдида турган вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этишни таъминлайди».

Қонунлар, фармонлар ва ҳукумат қарорларининг моҳиятини чуқур англаб етиш, барча ҳаракатни халқнинг янги ҳуқуқий онгини шакллантиришга қаратиш шу жиҳатдан аҳамиятлики, унинг воситасида жамиятнинг ҳуқуқий маданиятини кутаришга эришилади.

Мамлакатда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини демократлаштириш учун шарт-шароитлар яратиш ва ҳуқуқий давлат асосларини шакллантириш заруриятидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури”ни қабул қилди. У ҳуқуқий

маданиятни юксалтириш механизмининг, аҳолининг ҳуқуқий тарбияси ва ҳуқуқ ҳақидаги тасаввурларини шакллантириш орқали кишиларни ҳуқуқий онгини юксалтиришни назарда тутди.

Президентимиз И.А.Каримовнинг аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва ҳуқуқий тарбиясини яхшилашга қаратилган ишлари давлат сиёсатининг асосий йуналишларидан бири сифатида тан олиш зарурлиги ҳақидаги ғояси унинг 1997 йил 25 июнда эълон қилинган “Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданият даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида” Фармонида амалга оширилди. Унда “аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва ҳуқуқий тарбиясини яхшилаш юзасидан олиб бориладиган ишлар давлат сиёсатининг асосий йуналишларидан бири этиб белгилансин”, дейилган.

Буларнинг ҳаммаси мамлакатда аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасидаги ишларнинг кенг миқёсида олиб борилаётганлигидан далолат беради. Жамиятнинг ҳуқуқий маданиятини ҳар бир фуқаронинг, ҳар бир оиланинг ва ҳар бир жамоанинг маданиятидан ташкил топади. Мамлакатимизда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигининг ошириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг учун юридик ўқув юртлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари малакасини ошириш марказлари, фуқароларга юридик ёрдам курсатиш, ҳуқуқий билимларни тарғиб қилиш, юридик адабиётлар, оммавий ахборот воситалари орқали амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

I. Раҳбарий адабиётлар

- 1.1. Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.
- 1.2. Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 380 б.
- 1.3. Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 366 б.
- 1.4. Каримов И. А. Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 394 б.
- 1.5. Каримов И. А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т. 5. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 384 б.
- 1.6. Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 429 б.
- 1.7. Каримов И. А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. Т. 7. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 413 б.
- 1.8. Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т. 8. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 525 б.
- 1.9. Каримов И. А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – 439 б.
- 1.10. Каримов И. А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – 432 б.
- 1.11. Каримов И. А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т. 11. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – 320 б.
- 1.12. Каримов И. А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т. 12. – Т.: Ўзбекистон, 2004. – 400 б.
- 1.13. Каримов И. А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 448 б.
- 1.14. Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 96 б.
- 1.15. Каримов И. А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари-энг олий қадрият. // Халқ сўзи, 2005 йил 10 декабр.
- 1.16. Каримов И. А. Юксак маънавият - енгилмас куч. – Т.: Ўзбекистон, 2008.
- 1.17. Каримов И. А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини ақс эттиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2009.
- 1.18. Каримов И. А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi. Ўзбекистон шароитида-уни бартараф этиш йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009.
- 1.19. Каримов И.А. Ватанчимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. Т.17. –Т.: Ўзбекистон, 2009. -280 б.

1.20. Каримов И.А. Жаҳон моливий иқтисодий инқирозининг оқибатларини енгиш мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтариш сари. Т.18. -Тошкент: Ўзбекистон, 2010. -264 б.

1.21. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. –Тошкент: Ўзбекистон, 2010. -56 б.

1.22. Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т.19. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 360 б.

1.23. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 440 б.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

2.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2008. – 40 б.

2.2. “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури” // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси.–1997.–№ 9.

2.3. “Ўзбекистон Республикаси референдуми тўғрисида”ги Қонун (Янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 30.08.2001 й. N 265-II // N 9-10, 176 м. // ЎзР Қонуни билан ўзгартириш киритилган 03.12.2004 й. N 714-II // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 2005, № 1, 18 м.

2.4. “Ўзбекистон Республикаси Сенати тўғрисида”ги Конституциявий қонун. 12.12.2002 йилда қабул қилинган. // Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Ахборотномаси 2002, N 12, 213 м. // ЎзР Қонуни билан ўзгартириш киритилган 25.04.2003 й. N 482-II // Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Ахборотномаси 2003, N 5, 67 б.

2.5. “Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик Палатаси тўғрисида”ги Конституциявий қонун.12.12.2002 йилда қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 2002, N 12, 215 м. // ЎзР Қонуни билан ўзгартириш киритилган 25.04.2003 й. N 482-II // Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Ахборотномаси 2003, N 5, 67 м.

2.6. “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 14.12.2000 йилда қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 2001, N 1-2, 8 м. // 12.12.2003 й. N 568-II; 03.12.2004 й. N 714-II ЎзР Қонуни билан ўзгартириш киритилган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномалари 2004, N 1-2, 18 м.; 2005, № 1, 18 м.

III. Асосий адабиётлар

3.1. Абдуллаев М.И. Теория государства и права: Учебник.-СПб.: Питер, Венгеров А.Б. Теория государства и права: Учебник. – М.:

Юриспруденция, 2000. – 528 с.

3.2. Аҳмодшоева М., Нажимов М. Ҳуқуқ нима? – Т.:ТДЮИ, 2003. - 35

3.3. Исламов З.М. Ҳуқуқ тушунчаси, моҳияти, ижтимоий вазифаси. Ўқув қўлланма. – Т.:ТДЮИ, 2004.-138 б.

3.4. Исламов З.М. Общество. Государство. Право.–Т.: Адолат, 2001.-696 с.

3.5. Исламов З.М. Давлат ва ҳуқуқнинг умумназарий муаммолари: ҳуқуқни тушуниш, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқ ижодкорлиги/ Ўқув қўлланма. – Т.:ТДЮИ, 2005. -187 б.

3.6. Саидов А., Тожиhoнов У. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. 2-жилд. Ҳуқуқ назарияси. -Т.: Адолат, 2001. –560 б.

3.7. Сабуров Н. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. (саволлар, таърифлар, тушунча ва атамалар) / Ўқув-услубий қўлланма. ТДЮИ. Т., 2005. 95 б.

3.8. Нажимов М.К., Муҳитдинов З.С. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. // Ўқув-услубий қўлланма. – Т.: ТДЮИ, 2009. – 171 б.

3.9. Сабуров., Нажимов М.К. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. // Назорат шакллари бўйича синовга тайёргарлик кўриш учун ўқув услубий қўлланма. – Т.: ТДЮИ, 2009. – 150 б.

IV. Қўшимча адабиётлар

4.1. Исламов З.М. Миллий истиқлол мафқураси: назарий асослар. // Ж. Давлат ва ҳуқуқ. – 2000.-№1. – Б. 8-9.

4.2. Исламов З.М. Конституция ва ҳуқуқий маданият. // Ж. Ҳаёт ва қонун. – 2001. – Б. 3-4.

4.3. Камаров С.А, Малько А.В. Теория государства и права: Учебно-методическое пособие; Краткий учебник для вўзов. – М.: Норма – Инфра-М, 2003. – 448 с.

4.4. Кудрявцев И.В. Ҳуқуқий онг, маданият мафқура / Қонун ҳимоясида. -№9. 2004. – Б. 18-19.

4.5. Кудрявцев И.В. Прововая идеология как основа построения гражданского общества / Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш: муаммолар ва ечимлар. – Т.: 2004 –Б. 92-97.

4.6. Кудрявцев И.В. Ҳуқуқий мафқура нима? // Қонун ҳимоясида. – 2005. -№ 8. – Б. 30-31.

4.7. Лазарев В.В., Липень С.В. Теория государства и права. – М.: Спарк, 2000. – 511 с.

4.8. Лазарев В.В., Липен С.В., Саидов А.Х. Теория государства и права: Учебник. Под ред. акад. Абдурахмонова К.Х. – М.: Рос. экон. Акад., 2007. - 620 с.

4.9. Малько А.В. Экзамен по теории государства и права: 100 ответов на 100 возможных вопросов. Учебно-методическое пособия. – М.: Гардарика, 1996. -128 с.

4.10. Марченко М.Н. Теория государство и права: Учебник. 2-е изд., прераб. и доп. –М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. 640 с.

4.11. Нерсисянц В.С. Общая теория права и государства: Учебник. – М.:

Норма – Инфра-М, 1999. – 552 с.

4.12. Сабуrow Н. Фуқаролар ижтимоий-ҳуқуқий фаоллиги фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим омили. \ Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш: муаммолар ва ечимлар. – Т.: ТДЮИ, 2004. – Б. 76-79.

4.13. Сабуrow Н. Ҳуқуқий маданият ва унга социодинамик ёндашув \ Давлат ва ҳуқуқ, - 2005. №3. – Б. 11-13.

4.14. Теория государства и права: Учебник/Под ред. В.М.Корельского и В.Д. Перевалова. – М.: Норма – Инфра, 1998. -570 с.

4.15. Темнов Е.М. Теория государства и права: Учебное пособие для вузов. – М.: Экзамен, 2003. -320 с.

4.16 Ҳалилов Э.Ҳ. Ижтимоий турмушда ҳуқуқий онгнинг ўрни. Правосознание в структуре общественной жизни. – Т.: Ўзбекистон, 1997.-48

4.17 Ҳайитбоев Ф.П. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг назарий ҳуқуқий асослари. // Илмий-амалий анжуман материаллари. – Т.: ТДЮИ, 2006. – Б. 197-202.

V. WEB ресурслар

5.1. <http://www.yuridlit.ru>

5.2. <http://www.allpravo.ru>

5.3. <http://www.troek.net/zakaz.htm.ru>

5.4. <http://www.lawbook.ru>

5.5. <http://www.books.ru>

5.6. <http://www.bookz.ru>